



## ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИКНИНГ ИЖТИМОЙ- ҲУҚУҚИЙ ТАЛҚИНИ ВА АҲАМИЯТИ

Саидова Наргиза Шовхи қизи

Тошкент давлат юридик университети,  
Бизнес ҳуқуқи магистри  
<https://doi.org/10.5281/zenodo.7981452>

### ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 23-May 2023 yil  
Ma'qullandi: 26-May 2023 yil  
Nashr qilindi: 29-May 2023 yil

### KEY WORDS

инфратузилма, давлат-хусусий шериклик, хусусий молиялаштириш, шаффофлик, давлат-хусусий шериклик давлат органи.

### ABSTRACT

Жамоат хизматлари ва инфратузилмага талабни ошиши ва бу соҳадаги лойиҳаларни молиялаштириш учун давлат бюджетда маблағларни чегараланганлиги сабабли давлат-хусусий шерикликдан кенг фойдаланилмоқда. Унинг муҳим аҳамиятини ҳисобга олган ҳолда, ҳуқуқий ва ижтимоий жиҳатларини ривожланган давлатлар тажрибаси билан қўриб чиқиш аҳамиятлидир.

Республикамызда чуқур иқтисодий ислохотлар амалга оширилаётган ҳозирги замонда мамлакат сифатли инфратузилма тизимининг ўрни ниҳоятда катта бўлиб, улар жамият ва иқтисодиётнинг ижтимоий аҳамиятга эга қисм ҳисобланади. Соғлиқни сақлаш, энергетика, коммунал хизматлар, транспорт, таълим, экология каби ҳар қандай жамиятнинг давлатчилик ҳудудий тузилишининг, ички ва ташқи бозорнинг шаклланишида ҳамда давлат иқтисодиётининг ривожланишида кучли ҳал қилувчи омил сифатида ўрин эгаллайдиган соҳалар бўлиб қолмоқда. Сўнгги йилларда мамлакатимиздаги ушбу соҳаларни ривожлантиришга қаратилаётган эътибордан билиш мумкин-ки, бу соҳалар республиканинг стратегик ва барқарор ривожланиш, инвестициявий жозибадорлиги ва экспорт салоҳиятини ошириб беради.

Жамоат хизматлари ва инфратузилмага талабни ошиши ва бу соҳадаги лойиҳаларни молиялаштириш учун давлат бюджетда маблағларни чегараланганлиги сабабли давлат-хусусий шериклик асосида бу турдаги лойиҳаларни амалга оширишга эҳтиёж туғилади. Шунингдек, ҳозирги кунда мамлакатимизга тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб қилишга долзарб масалалардан бири сифатида катта эътибор қаратилмоқда. Хорижий тажрибадан маълум бўлганидек, бу борадаги энг самарали йўналишлардан бири давлат-хусусий шериклик муносабатлари ҳисобланади.

Инфратузилма учун бутун дунё бўйлаб катта маблағ сарфланишига қарамасдан бугунга келиб деярли барча давлатларда бевосита инфраструктура учун маблағларнинг етишмовчилиги мавжуддир. Шунингдек, мамлакатимизнинг иқтисодий ўсишида тўсқинлик қилиши мумкин бўлган асосий омиллар транспорт, энергетика, коммунал хизматлар каби инфратузилма тармоқларининг етарлича ривожланмаганлигидадир. Шу ўринда, ушбу тармоқларда инфратузилма

объектларини ривожлантириш ва модернизация қилиш бўйича зарур инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш учун инвестицияларнинг етишмаслиги ва замонавий технологияларни жалб этиш даражасининг пастлиги асосий муаммолардан ҳисобланади. Бундай муаммоларни ҳал этишда жаҳон амалиётида энг самарли усуллардан бири бўлган давлат-хусусий шериклик асосида инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш ҳисобланади.

Ҳозирги кунда ривожланган мамлакатлар тажрибасидан шуни кузатишимиз мумкинки, давлат ва хусусий шерик ўртасида пайдо бўладиган янги давлат-хусусий шериклик муносабатлари мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш, йирик инфратузилма лойиҳаларини самарали амалга ошириш ҳамда мамлакатда ижтимоий инфратузилмани комплекс яхшиланишида катта рол ўйнамоқда. Бу борада ривожланаётган давлатлар тажрибасини ўрганиш ва улардаги амалиётларни мамлакатимизга жорий этиш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Хусусан, G20 мамлакатлари ҳамда бошқа ривожланган ва ривожланаётган давлатларнинг давлат-хусусий шериклик муносабатлари борасидаги тажрибаларини ўрганиб, бевосита бу борадаги муваффақиятли амалиётларни мамлакатимизда жорий этиш бугунги кунда жуда ҳам аҳамиятли ҳисобланади.

Сўнги бир неча йилларда мамлакатимизда ҳам давлат-хусусий шерикликка алоҳида эътибор қаратилмоқда. Президент Ш.М.Мирзиёевнинг 2019 йилдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида<sup>1</sup> “Ўзбекистон туризм соҳасида улкан салоҳиятга эга бўлган давлат ҳисобланиб, 7 минг 300 дан ортиқ маданий мерос объектлари мавжуд ва уларнинг аксарияти ЮНЕСКО рўйхатига киритилган. Мамлакатимизнинг бетакрор табиати, гўзал дам олиш зоналари имкониятларидан фойдаланиб, янги туристик йўналишлар очган ҳолда, соҳага жаҳон брендларини фаол жалб этиб, зиёрат туризми, экологик, маърифий, этнографик, гастрономик туризм ва шу каби соҳаларни ривожлантириш мумкин. Бу борада давлат-хусусий шериклик муносабатларини қўллаш соҳани тараққий эттиришда кенг имкониятларни очади. Давлат-хусусий шериклик муносабатларини жорий этиш концепциясини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш орқали замонавий ишлаб чиқариш ва муҳандислик-коммуникация тармоқлари бўйича лойиҳаларни амалга ошириш мумкин. Яна бир стратегик тармоқ - аэрокосмик технологияларни сунъий йўлдош орқали иқтисодиётимизнинг етакчи соҳа ва тармоқларига жорий этиш кечикаётганлиги ва давлат-хусусий шериклик асосидаги лойиҳаларни амалга оширишга хорижий инвесторларни жалб қилган ҳолда, миллий космик инфратузилмаларимизни яратиш кераклиги” таъкидланди.

Президент Ш.М.Мирзиёевнинг 2020 йилдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида “Инвестиция жалб этишнинг самарали воситаларидан бири бўлган давлат-хусусий шериклик механизмларини транспорт, энергетика, йўл, коммунал, тиббиёт, таълим каби соҳаларга кенг татбиқ этиш керак. Давлат-хусусий шериклик асосида хусусий тиббиётни янада ривожлантириш, соғлом рақобатни кучайтириш, биринчи навбатда, ихтисослашган тиббиёт марказларига хорижий инвесторларни жалб этиш чораларини кўриш даркор. Мамлакатимизда давлат-хусусий шериклик муносабатларининг кундан-

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2019 йилдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси: <https://uza.uz/uz/posts/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-oliy-25-01-2020>

кунга ривожланиб бораётгани ушбу соҳада олиб борилаётган илмий тадқиқотларимизниг натижаси” эканлиги билдирилган.<sup>2</sup>

Ш.М.Мирзиёевнинг 2022 йилдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида “Давлат-хусусий шериклик соҳаларида катта натижаларга эришилди мамлакатимизда 15 мингга яқин онкологик беморлар нур ёрдамида даволанишга муҳтож. Шу боис, келгуси йилларда Самарқанд, Фарғона ва Хоразмда, давлат-хусусий шериклик асосида Радиология марказларини ташкил этиш лойиҳалари бошланганлиги, 16 та йирик насос станцияси давлат-хусусий шерикчилик асосида модернизация қилинади ва муқобил энергияга ўтказилиши” билдирилди.

Хусусан, “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси”га кўра давлат-хусусий шериклик асосида энергетика, транспорт, соғлиқни сақлаш, таълим, экология, коммунал хизматлар, сув хўжалиги ва бошқа соҳаларга инвестиция жалб этиш белгилиб қўйилди ва тегишли давлат ташкилотларига тегишли вазифалар юклатилди.<sup>3</sup>

Ҳорижий мамлакатлар тажрибасига назар ташласак, ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларнинг инфраструктура бозорларни тадқиқ этувчи The Global Infrastructure Hub<sup>4</sup> ташкилоти мавжуд бўлиб, бу ташкилотнинг бош мақсади - давлат ва хусусий сектор ўртасидаги узулишларда боғловчи вазифасини бажариш ва хусусий секторнинг инфраструктурадаги улушини кўпайтиришга ёрдам бериш, ҳукуматлар учун зарур бўлган ижтимоий инфратузилмани молиялаштириш учун миллиардлаб доллар миқдоридagi хусусий инвестицияларни очишга ёрдам бериш, самарали иқтисодий яратиш ҳамда яшаш учун қулай ва ривожланган шаҳарларни яратишга кўмаклашишдир. Ташкилот томонидан олиб бориладиган тадқиқотларда дунё мамлакатларининг инфраструктурасига йўналтирилаётган инвестициялар ва кейинги даврлар учун керак бўладиган маблағларнинг прогноз кўрсаткичларини эълон қилиниб борилмоқда.

“Ўзбекистон Республикасининг Давлат-хусусий шериклик тўғрисида”ги Қонунида берилган таърифга кўра: давлат-хусусий шериклик бу – давлат шериги ва хусусий шерикнинг муайян муддатга юридик жиҳатдан расмийлаштирилган, давлат-хусусий шериклик лойиҳасини амалга ошириш учун ўз ресурсларини бирлаштиришига асосланган ҳамкорлигидир.

Ҳорижий мамлакатларда давлат-хусусий шериклик кўп соҳаларда бизнес ва иқтисодий муносабатлар эканлиги айтилади. Яъни, жамият талабларини қондириш мақсадида хусусий сектор ресурсларидан фойдаланишни назарда тутлади.

Давлат-хусусий шерикликни турли давлатларда турлича талқин қилиш ҳолати мавжуд бўлиб, унинг аниқ бир таърифи қатъиян белгилаб берилмаган. Мисол учун:

Жаҳон банки: Давлат-хусусий шерикликни давлат билан хусусий сектор ўртасида ишлаб чиқариш, шунингдек, инфраструктура хизматларини кўрсатиш учун қўшимча

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2020 йилдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси: <https://president.uz/uz/lists/view/4057>

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2022 йилдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси: <https://president.uz/uz/lists/view/5774>

<sup>4</sup> Global Infrastructure Hub A G20 Initiative, <https://www.gihub.org/about/about/>

молиялаштириш манбаасини яратиш оқибатида давлат қўйилmalarини натижадорлигини оширишга имконият яратадиган келишув деб таъриф берган.<sup>5</sup>

Халқаро валюта жамғармаси: Давлат-хусусий шерикликни – ҳукумат томонидан тақдим этилаётган инфраструктура активлари ва хизматларини хусусий сектор томонидан кўрсатилиши деб таъриф берган.<sup>6</sup>

Европа иттифоқи: Давлат-хусусий шерикликни давлат томонидан молиялаштирилган ва реализация қилинган инвестицион лойиҳаларни хусусий секторга бериш, умуман олганда давлат-хусусий шериклик давлат органлари ва бизнес дунёси ўртасида хизмат кўрсатиш учун инфратузилмани молялаштириш, қуриш, янгилаш, бошқариш ва сақлашга қаратилган ҳамкорлик шакллари деб таърифлаган.<sup>7</sup>

Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти: Давлат-хусусий шерикликни ҳукумат ва бир ёки бир нечта хусусий шериклар ўртасидаги шартнома сифатида белгилайди.<sup>8</sup>

Европа инвестиция банки: Давлат-хусусий шериклик давлат сектори активлари ва хизматларини тақдим этиш ва етказиб беришга ёрдам бериш учун хусусий сектор ресурслари ва/ёки экспиртизани жорий этиш мақсадида кўпинча хусусий сектор ва давлат органлари ўртасидаги муносабатлар учун умумий атамадир.<sup>9</sup>

Инфраструктурага инвестициялар, хусусун, давлат-хусусий шериклик асосида ташкил этилиш масалалари бўйича бир қатор иқтисодчи олимлар ўз илмий ишларида илмий тадқиқотлар олиб борганлар.

Е.А.Дынин – Давлат-хусусий шериклик ижтимоий неъматлар яратиш ёки ижтимоий хизматлар кўрсатиш учун узоқ муддатли ва ўзаро фойдали асосда жамият (давлат ва хусусий сектор)нинг моддий ва номоддий ресурсларини бирлаштириш жараёнидир деб қайд этади.<sup>10</sup>

Шунингдек, С.С.Черновэса – Давлат-хусусий сектор ҳамкорлиги транспорт, энергетика ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантиришга қаратилган ижтимоий аҳамиятга эга бўлган инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш мақсадида давлат ва бизнеснинг узоқ муддатли ҳамкорлигининг алоҳида шакли деб ҳисоблайди.<sup>11</sup>

Нурске (1953) томонидан ишлаб чиқариш салоҳиятига хизмат қилувчи элементлардан ташкил топган инфраструктура таъсири олдиндан белгилаб қўйилган, шунингдек, кичик тармоққа ўхшаш бўлган инфраструктура аслида жуда муҳим ва аҳамиятли эканлиги уни шакллантиришда эса, давлат-хусусий шериклик амалиёти муҳим эканлиги таъкидлаган.<sup>12</sup>

Ҳирсчман (1958) ва кейинчалик Биехл (1994) инфраструктурани давлат хизматларини таъминловчи капитал сифатида қайд этган. Бу олимлар Инфратузилма

<sup>5</sup>The APMG Public-Private Partnership (PPP) Certification Guide

<sup>6</sup>The APMG Public-Private Partnership (PPP) Certification Guide

<sup>7</sup>The APMG Public-Private Partnership (PPP) Certification Guide

<sup>8</sup>The APMG Public-Private Partnership (PPP) Certification Guide

<sup>9</sup>The APMG Public-Private Partnership (PPP) Certification Guide

<sup>10</sup>Дынин Е.А. Риски бизнеса в частно-государственном партнерстве / Дынин Е. А. // Общество и экономика. 2007. № 5-6. С.111.

<sup>11</sup> Чернов С.С., Суханов И.С. Вопросы оценки эффективности реализации социально значимых проектов // Бизнес. Образование. Право. Вестник Волгоградского института бизнеса. 2016. № 4 (37). С. 92–97.

<sup>12</sup> Nurske R., Problems of capital formulation in developing countries, Basil Blackwell, Oxford, UK.1953, p239.

табиатан йўлнинг кесишма жойига ўхшайди, яъни мақсад ёки исталган натижа (ишлаб чиқариш, транспорт, коммуникация, соғлиқни сақлаш, таълим) мақсадларига эришиш учун ҳукумат ёки бошқарув субъектлари томонидан кучли хусусий сектор билан биргаликда амалга оширилса муваффақиятли ҳисобланади деб эътироф этган.<sup>13</sup>

Иқтисодчи олим Н.Н.Обломуродовнинг тадқиқот ишларида давлат-хусусий шерикчилик тамойиллари асосида йўл қурилиши ва транспорт инфраструктураси, муқобил энергия манбалари, ижтимоий объектлар, шу жумладан, туризм инфраструктураси объектларини қурилиши каби устувор соҳаларда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар иштирокида инвестицион лойиҳаларни амалга оширишни рағбатлантириш мақсадга мувофиқлигини таъкидлаган.<sup>14</sup>

Юқоридагилардан келиб чиқиб, давлат-хусусий шерикчилик – бу кооператив келишувнинг бир кўриниши бўлиб, бир лойиҳа доирасида икки ёки ундан ортиқ давлат ва хусусий сектор вакилларининг амалга оширилиши зарур бўлган инвестиция, инфратузилма, инновация лойиҳаларида ҳамда ижтимоий-иқтисодий, илмий, шунингдек, стратегик аҳамиятга эга бўлган дастурлардаги шериклик муносабатлари деб айтишимиз мумкин.

Шунингдек, давлат ва хусусий сектор ҳамкорлиги бизнес ва давлат учун ўзаро манфаатли шартларда инвестицион лойиҳалар реализацияси схемасидир. Бунда давлат ишлаб турган объектга эга бўлади, қурилиш ва реконструкцияни молиялаштириш банди бўйича маблағ тежайди, тадбиркорлар эса объектни кейинчалик эксплуатация қилиш учун маблағишлаб топади. Бундай схеманинг хорижий мамлакатларда, хусусан Германия, Англия ва Японияда қўлланилиши ижтимоий аҳамиятга молик масалаларни ҳал қилишда бюджет харажатларининг қисқаришига олиб келганлиги айтиб ўтилган.

Давлат-хусусий шериклик муносабатларида давлатнинг иштирок этишидан кўзланган асосий мақсад – бу хусусий инвестицияларни жалб этиш, самарадорликни ошириш ва мавжуд ресурслардан янада яхшироқ фойдаланиш ҳамда тармоқларни ривожлантиришда давлат ва хусусий секторнинг баравар ролини белгилаш, рағбатлантириш ва соф рақобат муҳитини яратиш орқали соҳани ислоҳ қилинишига эришишдир.

Давлат-хусусий шериклик лойиҳалари амалга ошириладиган, ривожланган мамлакатлар амалиётида мавжуд асосий лойиҳа йўналишлари юқоридаги х-чизмада тасвирланган. Мазкур лойиҳа йўналишлари бевосита давлат-хусусий шериклик муносабатларининг мазмуни ва мақсадини кўрсатиб берувчи характерга эгадир. Давлат-хусусий шериклик муносабатларида шартномаларнинг маълум бир соҳа ёки тармоқни ривожлантириш хусусиятидан, шунингдек, лойиҳаларнинг турларидан келиб чиққан ҳолда шартномалар бир неча турларга ажратилади. Д.Амунц 2005 йилда давлат-хусусий шерикликнинг назарий ва амалий жиҳатларини илмий

<sup>13</sup> Hirschmann A.O., The strategy of economic development, Yale University Press, New Haven, CT. 1958, p 96.

Biehl, D., The role of infrastructure in regional policy, OECD, Paris. 1994, p34.

<sup>14</sup> Обломуродов Н.Н. “Давлат-хусусий шериклик асосида тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш” *“Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали. № 6, декабрь, 2018 йил, 3-бет.*

жиҳатдан тадқиқ қилган ва унинг турларига батафсил таърифлар берган<sup>15</sup>. С.Кашин эса дунёда давлат-хусусий шерикликнинг қўллашнинг кенг тарқалган турлари тўғрисида ўз илмий қарашларини баён этган ва унинг иқтисодиётда тутган ўрни, самарадорлиги борасида ўтказган тадқиқотлари натижаларини эълон қилган<sup>16</sup>.

Хусусий сектор лойиҳани маълум бир нархга қуриб беришни, дизайнни қилиб беришни, лойиҳани молиялаштирилиши ҳамда эксплуатацияси ва таъмирланишини ўз зиммасига олган шартномаларга қараб, давлат-хусусий шериклик лойиҳалари бир неча шакллар асосида амалга оширилиши мумкин. Тарихда давлат-хусусий шериклик асосида амалга оширилган лойиҳаларнинг деярли 70 фоизи “ВТО” ( яъни Қуриш-Ўтказиш-Бошқариш) шаклида амалга оширилган. тушунишимиз мумкин.

Шартномага кўра Қуриш-Ўтказиш-Бошқариш шаклида лойиҳани амалга оширувчи ҳамкорларга лойиҳани маълум муддатга ишга тушириш ҳуқуқи берилади, бу эса уларга киритган инвестициясини ҳамда плюс фойдасини олиш имконини беради.

Охирги 25 йил ичида жаҳон амалётида давлат-хусусий шериклик асосида лойиҳаларни амалга оширишнинг бир неча шакллари юзага келди, лекин айнан қатъий белгилаб қўйилган шакллардан бирида амалга оширилиши керак дейилмаган. Ҳозирги кунда, бутун жаҳон амалиётида асосан қурилиш соҳасидаги давлат-хусусий шериклик лойиҳалари қуйидаги шаклларда амалга оширилиши мумкин.

1	Қуриш-Бошқариш- Ўтказиш (Build, Operate, Transfer - BOT)	Ўзаро келишув механизми асосида лойиҳани қуриш, шартнома муддати мобайнида ундан фойдаланиш (эгаллик қилиш ҳуқуқисиз) ва шартнома якунида давлат тасарруфига ўтказиш.
2	Қуриш-Эгаллик қилиш- Бошқариш-Ўтказиш (Build, Own, Operate, Transfer - BOOT)	Ўзаро келишув механизми асосида лойиҳани қуриш, шартнома муддати мобайнида эгаллик қилиш ҳуқуқи асосида ундан фойдаланиш ва шартнома якунида давлат тасарруфига ўтказиш.
3	Қуриш-Ўтказиш- Бошқариш (Build, Transfer, Operate - BTO)	Бунда лойиҳа қурилиш якунланиши биланоқ давлатга ўтказилади. Хусусий шерик унга шартнома муддати давомида хизмат кўрсатади, кўрсатилган хизматлар учун истеъмолчиларсиз узлуксиз равишда тўловларни амалга оширади.
4	Қуриш-Эгаллик қилиш- Бошқариш (Build, Own, Operate - BOO)	Ўзаро келишув механизми асосида лойиҳани қуриш, шартнома муддати мобайнида эгаллик қилиш ҳуқуқи асосида ундан фойдаланиш ва шартнома якунида ҳам эгаллик қилиш ҳуқуқи хусусий шерикда қолади.
5	Қуриш-Бошқариш- Ҳимоялаш-Ўтказиш (Build, Operate, Maintain, Transfer - BOMT)	Лойиҳанинг ҳаётийлик даври ва унга хизмат кўрсатилиши давлат томонидан амалга оширилади. Эгаллик қилиш ҳуқуқи давлат тасарруфида қолади.

<sup>15</sup>Амунц Д.М. Государственно-частное партнёрство. Концессионная модель совместного участия государства и частного сектора в реализации финансовоёмких проектов. //Справочник руководителя учреждения культуры. – 2005.– №12.–С. 16-24

<sup>16</sup>Кашин С. Не в дружбу, а в госслужбу. //Секрет фирмы. – 2005. – № 30(117).

6	Лойиҳалаш-Қуриш-Эгалик қилиш-Бошқариш-Ўтказиш (Design, Build, Own, Operate, Transfer - DBOOT)	Ўзаро келишув механизми асосида объектни лойиҳалаштириш, қуриш, шартнома муддати мобайнида эгалик қилиш ҳуқуқи асосида ундан фойдаланиш ва шартнома якунида давлат тасарруфига ўтказиш.
7	Лойиҳалаш-Қуриш-Молиялаштириш-Бошқариш (Design, Build, Finance, Operate - DBFO)	Объектни лойиҳалаш, қуриш, бошқариш, шунингдек хусусий сектор томонидан қуриш ва хизмат кўрсатиш харажатларини молиялаштириш мажбуриятини ҳам олади. Давлат хизматларга тўловлар орқали харажатларни қоплайди.

Ҳар бир давлатда нафақат давлат-хусусий шериклик асосида амалга ошириладиган лойиҳаларни мониторинг қилиш мақсадида балки бу йўналишни янада ривожлантириш ва инвесторлар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш орқали уларда ишонч ҳиссини ошириш мақсадида давлат органлари ва қонун ҳужжатлари яратилган.

Хусусан, 1999 йил тарихда илк марта Англияда давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш маркази ташкил қилинган.<sup>17</sup> Марказнинг 51 фоиз акцияси хусусий секторга, 44,6 фоизи газначиликка ва 4,4 фоизи Шотландия ҳукуматига тегишли бўлган.

Бу марказда дастлаб 20 киши ишлаган бўлса бугунгикунда 75 кишига етган. Унинг асосий вазифаси давлатга хусусий шерикни топиш ва уларни ўртасидаги фаолиятни мувофиқлаштиришга қаратилган.

Бундан ташқари, Англияда Миллий молиялаштиришни ривожлантириш агентлиги ташкил қилинган. Унинг асосий вазифаси этиб, давлат-хусусий шериклик лойиҳаларига маблағларни мобилизация қилиш ва вазирлик ҳамда бошқа идораларга маслаҳат бериш белгилаб қўйилган.

Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш жоизки, Англияда , давлат-хусусий шериклик лойиҳалари дастлаб Халқ таълими вазирлиги билан биргаликда “Келажак мактаблари”ни қуриш лойиҳасидан бошлаган. Бу лойиҳа муваффақиятли амалга оширилгандан сўнг, инфратузилма, хизмат кўрсатиш ва бошқа соҳалардаги лойиҳаларни амалга оширишда давлат-хусусий шериклик кенг қўлланила бошланган.

Канадада бу йўналишда 2 та ташкилот иш олиб боради. Биринчиси, давлат-хусусий шериклик асосида федерал лойиҳаларни амалга оширишни ривожлантириш маркази бўлиб, бу марказ давлат-хусусий шериклик асосида амалга ошириладиган лойиҳаларни молиялаштирадиган жамғармани бошқаради. Иккинчи ташкилот давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш қўмитаси ҳисобланади.

Яна бир ривожланган мамлакатлардан бири Японияда давлат-хусусий шериклик 1999 йилда қабул қилинган “Хусусий молиялаштириш ташаббуслари тўғрисида”ги қонун асосида амалга оширилади.

Бундан ташқари Японияда “Давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш тўғрисида”ги қонуни яратилган бўлиб, унинг асосий мақсадлари сифатида: хусусий секторни молиявий маблағларини, бошқарув ва технологик имкониятларини,

<sup>17</sup> United Kingdom – England PPP Units and Related Institutional Framework

ижтимоий инфраструктурани ривожлантиришга кенг жалб қилиш белгилаб қўйилган. Шунингдек, қонунда давлат-хусусий шериклик асосида амалга ошириладиган барча турдаги йўналишлари белгилаб қўйилган: жумладан, йўллар, темир йўллар, портлар, аэропортлар, истироҳат боғлари, сув ва канализация тармоқлари, уй-жой қурилиши маданият ватаълим объектлари, тиббиёт, ижтимоий таъминот ҳамда табиат объектлари ва бошқалар.

Шу билан бирга, Республикамизда ҳам 2018 йил 20 октябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат-хусусий шерикликни ривожлантиришнинг ҳуқуқий ва институционал базасини яратиш бўйича биринчи навбатдаги чора тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3980 сонли қарорига биноан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги 30 нафар мутахассисдан иборат бўлган давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш агентлиги ташкил қилинган. Агентлик давлат муассасаси мақомига эга бўлиб, Ўзбекистон Республикасида давлат-хусусий шериклик соҳасида ягона давлат сиёсатини юритиш бўйича махсус ваколатли давлат орган этиб белгиланган. Бундан кўриниб турибдики, давлат-хусусий шериклик асосида амалга ошириладиган лойиҳанинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари, тендер ҳужжатлари, шунингдек давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимлар ва уларга киритиладиган ўзгартиришлар мажбурий тартибда Агентлик билан келишилиши лозим бўлади.

Агентлик иқтисодиёт ва ижтимоий соҳанинг устувор йўналишларида давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш бўйича тармоқ дастурларини ишлаб чиқишда ва амалга оширишда иштирок этади, шу жумладан, муайян лойиҳалар концепцияларини ишлаб чиқишда тегишли вазирлик ва идораларга кўмаклашади. Шунингдек, давлат-хусусий шериклик лойиҳаларининг самарадорлиги ва афзалликларини баҳолаш услубини ишлаб чиқиш, ушбу лойиҳаларни тайёрлаш ва амалга оширишни услубий жиҳатдан қўллаб-қувватлайди.

Бундан ташқари, Агентлик давлат-хусусий шериклик лойиҳалари иштирокчиларининг ҳуқуқлари вақонуний манфаатларини ҳимоя қилишга ҳар томонлама кўмаклашади, лойиҳаларни молиялаштириш механизмлари, шу жумладан, юзага келиши мумкин бўлган таваккалчиликларни аниқлаш ва тақсимлаш юзасидан уларнинг таклифларини кўриб чиқади ҳамда лойиҳаларни ва лойиҳаларга жалб қилинган бюджет тизими маблағларидан фойдаланилишини, шунингдек тегишли тармоқлардаги халқаро тажрибани инобатга олган ҳолда лойиҳаларни тайёрлаш ва амалга ошириш амалётини мониторинг қилади.

2019 йил 10 майда эса Ўзбекистон Республикасининг “Давлат-хусусий шериклик тўғрисида”ги қонуни қабул қилинган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида давлат-хусусий шериклик лойиҳалари ушбу қонун асосида амалга оширилади. Давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги қонунчилик асосининг мавжудлиги жамият ва иқтисодиётимиз учун жуда муҳим ҳисобланади. Чунки қонун қабул қилинишидан ташқари, ундан келиб чиқадиган қонунчилик ҳужжатларининг ишлаб чиқиши ва уларнинг ишлаши ушбу соҳада тизим яратилишида зарур ҳисобланади. Мазкур қонуннинг қабул қилиниши давлат-хусусий шериклик соҳасида қонуний асосни яратди, бу эса ўз ўрнида Республикада инвесторлар фаоллигини ва ишончини оширишга, хусусий секторнинг молиявий ҳамда бошқа ресурсларини жалб қилинишига олиб келади. Қонуннинг ўзига хос жиҳатлари шундаки, у тўғридан-тўғри

амал қилувчи ҳужжат ҳисобланади, демак Ўзбекистонда давлат-хусусий шериклик йўналиши бўйича пул тикмоқчи бўлган инвестор учун бошқа қонуности ҳужжатларни ўқиш камаяди. Қонун аҳолига кўрсатилаётган давлат хизматлари ва жамоат инфратузилмаси сифатини яхшилашга ҳамда инвесторларни ҳимоя қилишга қаратилган бўлиб, хусусан ҳужжатда хусусий шерик ва кредиторларни ҳимоя қилиш бўйича алоҳида моддалар мавжуд. Шу билан биргақонунда давлат-хусусий шерикликнинг асосий принциплари, давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимнинг тарафлари, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳамда тендер уюштиришнинг қонун-қоидалари ва бошқалар белгилаб қўйилган.

Қонунда “давлат-хусусий шериклик лойиҳаси — бу иқтисодий, ижтимоий ва инфратузилмавий вазифаларни ҳал этишга қаратилган, хусусий инвестицияларни жалб этиш ва илғор бошқарув тажрибасини жорий этиш асосида амалга ошириладиган тадбирлар мажмуидир”<sup>18</sup> деб таъриф берилган. Шунингдек, қонунда давлат-хусусий шериклик лойиҳасининг концепцияси эса давлат шериги ва хусусий ташаббускор томонидан тайёрланадиган, давлат-хусусий шериклик лойиҳасини амалга оширишни ҳал этишга доир танловни асослаб берадиган, ушбу лойиҳанинг қийматини ва тавсифини белгиладиган, уни амалга оширишнинг самарадорлиги ва долзарблиги асосларини, асосий тавсифномалари ва ўзига хос хусусиятларини, шунингдек жалб қилинадиган инвестицияларнинг қайтарилишини таъминлаш механизмларини ўз ичига олган ҳужжат деб айtilган.

Қонундаги давлат-хусусий шериклик лойиҳасининг концепциясига берилган таърифдан кўриниб турибдики, ривожланган мамлакатларда бўлгани каби Республикамиз ҳудудида ҳам давлат-хусусий шериклик лойиҳаси икки томонлама, яъни давлат томонидан ёки хусусий шерик томонидан ташаббус этилиши мумкин.

Давлат ёки хусусий шерик томонидан ташаббус қилинган лойиҳанинг амалга оширилиш босқичлари лойиҳанинг баҳоланган суммасига қараб олиб борилади.

Юқоридаги маълумотлардан келиб чиққан ҳолда давлат-хусусий сектор шерикчилиги қабул қилиниши ва муваффақиятли бўлиши учун қуйидагилар амалга оширилиши лозим:

1. Шерикчилик учун махсус ҳуқуқий асос ва қонунчилик меъёрларини ишлаб чиқарилиши. Жорий қонун нормалари ва ҳуқуқий асосларини кўриб чиқиб, узоқ муддатли шартномалар ва солиқ тизимига керакли ўзгаришларни киритиш мақсадида, мулк эгаллиги ва шартномаларнинг қонунга мослигини таъминлаш энг зарур қадамдир. Ўз-ўзидан бу ҳам инвесторларга ҳам ҳукуматга аниқлик ва ишонч беради.

2. Шаффофлик. Тендер жараёнидан бошлаб шартнома охирига етгунга қадар бўлган жараён ҳаққоний ва шаффоф бўлиши зарурдир. Фақат ошкора жараёндагина самарадор тежаш механизмларни аниқлаштириш ва хусусий сектор билан давлат сектори орасида бир-бирига ишончни таъминлаш мумкин бўлади.

3. Давлатнинг шерикчиликни узоқ муддатли мажбурият деб қабул қилиши. Бу ташаббуснинг реализацияси давлат бу масалага қанчалик жиддийлигини кўрсатади. Мисол учун давлат бир икки лойиҳа билан чиқиб уларни ярим йўлда ташлаб кетса, келажакда бу каби шартномаларга шерик топиши қийин бўлади.

<sup>18</sup> Ўзбекистон Республикасининг давлат-хусусий шериклик тўғрисида”ги қонуни ЎРҚ-537-сон 10.05.2019

4. Тендер жараёни. Тендер жараёни иложи борича қисқа ва пухта бўлиши ундаги ортиқча харажатларнинг олди олинишига ёрдам беради ва лойиҳа нархи янада арзон бўлишини таъминлайди. Бунинг учун, лойиҳа ва шартномалар учун стандартлар ишлаб чиқариш мақсадга мувофиқ бўлади.

5. Алтернатив молиялаштириш манбаларини топиш ёки яратиш. Агар хусусий молия бозори давлат учун қимматлик қиладиган бўлса, унда давлат сармоянинг бир қисмини ўзи таъминлаб, ўз лойиҳасида молиявий шерик бўлиб кириши ёки алтернатив ва арзон молия манбаини топиш ва яратиш орқали нархни янада арзонлаштириши мумкин. Масалан инвестиция жамғармаси қуриб ўз лойиҳасига ўзи кредит бериш йўли билан амалга ошириши мумкин.

6. Лойиҳаларни ўзгартиришда қулайлик яратиш. Айниқса қурилиши битиб, ишлаш жараёнига ўтган лойиҳаларда “юмшоқ хизматлар”ни (тозалик, умумий овқатланиш ва ҳ.к.) шартномаларга киргизмаслик тавсия қилинади. Таъмирлаш ишларида ҳам харажатларни яқиндан кузатиш ва бунинг шартномаларга қўшиш зарур.

7. Риск тақсимооти бошқаруви. Мавжуд бўлган рисклар доим қайта кўриб чиқилиши шарт. Риск тақсимлаш жараёнида ҳар икки тараф ўз зиммасига энг оптимал шаклда бошқара оладиган риск миқдорини олиши шарт. Акс ҳолда бир тараф зарар кўради ва бу келажакда давлат билан хусусий сектор орасида ишончсизликка олиб келади.

8. Давлат ўз лойиҳасида инвестор сифатида иштирок этиши. Давлат ўз лойиҳасига чекланган сармоядор сифатида консорциум аъзоси бўлиши бир нечта муаммони ҳал қилишга ёрдам беради. Биринчидан, давлат лойиҳани яқиндан кузатиб боради ва функционал қарорлар берилишида иштирокчи бўлади. Иккинчидан, давлат ҳиссадорлардан бири бўлгани учун хизмат ҳақлари ва талаб қилинган нархларда меъёр бўлади. Учинчидан, хусусий инвесторлар билан давлат орасида ўзаро ишонч ва ҳамкорлик руҳи кучаяди.

Шу ўринда таъкидлаб ўтиш жоиз-ки, 2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегиясининг илк йўналиши сифатида белгиланган: “Инсон қадрини юксалтириш ва эркин фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш орқали халқпарвар давлат барпо этиш” нинг мақсадли йўналишларидан бири сифатида давлат бошқаруви тизимида маъмурий аппаратни ихчамлаштириш ва иш жараёнларини мақбуллаштириш йўналишида хусусий секторга ўтказиладиган айрим давлат функциялари сонини 3 баробарга ошириш ва давлат-хусусий шерикликни кенгайтириш ҳамда рақамли технологияларни кенг жорий этиш белгиланган.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйҳати:**

1. Ўзбекистон Республикасининг давлат-хусусий шериклик тўғрисида”ги қонуни ЎРҚ-537-сон 10.05.2019
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат-хусусий шерикликни ривожлантиришнинг ҳуқуқий ва институционал базасини яратиш бўйича биринчи навбатдаги чора тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3980, 20.10.2018
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги Давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ВМҚ-1009, 13.12.2018
4. Обломуродов Н.Н. “Давлат-хусусий шериклик асосида тўғридан-тўғри хорижий

- инвестицияларни жалб қилиш” “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали
5. Дынин Е.А. Риски бизнеса в частно-государственном партнерстве / Дынин Е. А. // Общество и экономика. 2007
  6. Амунц Д.М. Государственно-частное партнёрство. Концессионная модель совместного участия государства и частного сектора в реализации финансовоёмких проектов. //Справочник руководителя учреждения культуры. – 2005. 4
  7. Hirschmann A.O., The strategy of economic development, Yale University Press, New Haven, CT. 1958, p 96.
  8. Biehl, D., The role of infrastructure in regional policy, OECD, Paris. 1994
  9. The APMG Public-Private Partnership (PPP) Certification Guide
  10. United Kingdom – England PPP Units and Related Institutional Framework
  11. Давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш агентлигининг расмий веб-сайти: <https://www.pppda.uz/legislation>

